

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“O‘zbekiston Pochtasi” АЖ
Кузатув кенгаши мажлисининг
2022 йил 29 июндаги баёнига
1-илова

“O‘ZBEKISTON POCHTASI” АЖ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ
СТРАТЕГИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР
ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДА
Н И З О М

Тошкент - 2022 йил

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармониغا, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясига, ““O‘zbekiston Pochtasi” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, Корпоратив бошқарув кодексига, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият Кузатув кенгаши ҳузуридаги Стратегия ва инвестициялар қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) ҳуқуқий мақомини, таркибини, ваколатларини ва унинг ишлаш тартибини белгилайди.

1.2. Қўмита Жамиятнинг Кузатув кенгашига Жамиятнинг стратегиясини белгилаш ва инвестициялари бўйича тавсиялар тайёрлаш учун Жамият Кузатув кенгашининг қарори асосида ташкил этилади. Қўмита Жамият Кузатув кенгашининг доимий фаолият юритувчи ишчи органи ҳисобланади.

1.3. Қўмита Жамият ва Жамият акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш олиб боради, хусусан, узоқ муддатли истиқболда Жамият фаолияти самарадорлигини оширишда ҳамда унинг активлари, рентабеллиги ва инвестицион жозибадорлигини оширишга ҳисса қўшади.

1.4. Қўмита Жамият Кузатув кенгашига тўлиқ жавобгардир ва мазкур Низомга мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши томонидан унга бериладиган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Қўмита қарорлари Жамият Кузатув кенгаши учун тавсиявий характерга эга бўлади.

1.5. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, Жамият Уставига, Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга, Жамият Кузатув кенгаши қарорларига, мазкур Низомга ва бошқа ички ҳужжатларга амал қилади.

1.6. Қўмита фаолиятини молиялаштириш Жамият маблағлари ҳисобидан Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Зарур ҳолларда Қўмита харажатлар сметасини тузади ва у Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

1.7. Мазкур Низомда белгиланмаган атамалар амалдаги Жамият Уставида ва Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга, Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида келтирилган маънода фойдаланилади.

II. Қўмитанинг мақсад ва вазифалари

2.1. Қўмита фаолиятининг асосий мақсади қуйидаги масалалар бўйича Жамият Кузатув кенгашига тавсиялар ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва тақдим этишдан иборат:

- Жамият фаолиятининг стратегик ва устувор йўналишларини белгилаш;
- Жамиятнинг инвестиция фаолиятини назорат қилиш;
- Истикболли инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ва уларнинг Жамият акциядорлик қийматини оширишда таъсирини баҳолаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар.

2.2. Қўмита ўз ваколатига мувофиқ фаолиятни амалга ошириб, Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Бош директор ва тегишли таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

III. Қўмита ваколатлари

3.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига юклатилган вазифаларни бажаришда кўмаклашиш мақсадида, Жамият Кузатув кенгаши ваколатлари доирасида Қўмитага қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

- Жамият стратегик ривожланишининг концепциялари, дастурлари ва режаларини таҳлил қилиш ҳамда Жамият Кузатув кенгашига ўз тавсияларини киритиш;

- истикболли ривожланиш стратегияларини таҳлил қилиш ва уни амалга оширилишини мониторинг қилиш;

- Жамият Кузатув кенгашига Жамият фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича тавсиялар бериш;

- қуйидаги масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш:

1) акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш;

2) корпоратив, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигацияларини чиқариш;

3) ҳосилавий қимматли қоғозларини чиқариш;

4) Жамият акцияларини майдалаш ва йириклаштириш;

- Жамият Кузатув кенгашига дивиденд қиймати, тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар тайёрлаш;

- Жамият Кузатув кенгашига Жамият заҳира ва бошқа фондларини ишлатиш бўйича тавсиялар тақдим қилиш;

- Жамиятнинг технологик ва инвестицион стратегияларини кўриб чиқиш;

- Жамиятнинг инвестицион лойиҳаларини кўриб чиқиш;

- йиллик бизнес-режа ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш ва келишиш;

- ташқи молиялаштириш дастурини кўриб чиқиш;

- таваккалчилик харитасини мувофиқлаштириш;

- харидлар қайдномасини мувофиқлаштириш;

- Жамият активларининг баланс қийматининг 5 (беш) фоизидан ортик бўлган мол-мулк битимлари бўйича жамият Кузатов Кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

- Жамият Ижроия органи томонидан амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш ва натижалари бўйича Жамият Кузатов Кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижий давлатларда Жамият филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш ҳамда уларни тугатиш бўйича Кузатов кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини таъсис этиш ёки уларни тугатиш бўйича Кузатов кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

- Жамият захираларидан фойдаланиш бўйича Кузатов Кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

- Жамиятнинг соҳага оид бўлмаган активларидан фойдаланиш сиёсати соҳасида Кузатов кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

- кейинчалик Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига тақдим этиш учун тижорат ташкилотлари ва бошқа бирлашмаларида иштирок этиш бўйича жамият Кузатов Кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

- Жамият Кузатов Кенгаши талабига кўра ҳулосалар тайёрлаш ёки ўз ваколати доирасида муайян масалалар бўйича ўз ташаббуси билан тавсиялар тайёрлаш, ҳамда йил якуни бўйича Кузатов кенгашига Қўмитанинг бир йиллик ишлари бўйича ҳисобот тақдим этиш.

3.2. Қўмитанинг бир йиллик ишлари бўйича ҳисоботида йил давомида Қўмита фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан ваколат доирасидаги масалалар бўйича Жамият Кузатов кенгашига тақдим этилган тавсиялар рўйхати, Қўмита фаолиятини таъминлаш учун сарфланган маблағлар (харажатлар суммалари ва йўналишлари) тўғрисидаги маълумотлар, ташқи эксперт ва маслаҳатчилардан олинган хизматлар ҳақида маълумот (агар мавжуд бўлса) ва Қўмита тасдиқланган иш режасининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

IV. Қўмитанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Қўмита аъзолари ҳуқуқлари:

- Жамият Кузатов кенгашининг стратегия ва инвестиция йўналишидаги қарорлари ва кўрсатмаларининг бажарилишини назорат қилиш ва текшириш;

- Жамият Бош директори ва таркибий бўлинмалари раҳбарларидан ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш.

- Қўмита бюджети доирасида ташқи экспертлар ва маслаҳатчилар хизматидан фойдаланиш;

- Қўмита мажлисларига ушбу Низомга мувофиқ учинчи шахсларни таклиф қилиш;

- Жамият Кузатов кенгаши муҳокамасига ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиш;

- Қўмита ваколатларини бажариши учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

4.2. Қўмита аъзолари мажбуриятлари:

- Қўмита ишида қатнашиш ва унинг мунтазам равишда ўтказиладиган барча йиғилишларида иштирок этиш;

- тегишли саноат ва иқтисодиётдаги тенденцияларини, ахборот технологиялари соҳасидаги ва Жамият тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа соҳалардаги ютуқларни кузатиб бориш;

- расмий вазифаларини бажариш чоғида уларга маълум бўладиган барча маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

- Жамият Кузатув кенгашига мустақил аъзо мақомидаги ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида ёки Қўмита томонидан қабул қилинадиган қарорлар билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви юзага келиши тўғрисида ахборот бериш.

V. Қўмита таркиби ва уни шакллантириш тартиби

5.1. Қўмитанинг миқдорий таркиби камида 4 та аъздан иборат.

5.2. Қўмитанинг шахсий таркиби жамият Кузатув кенгаши томонидан ўз таркибидан сайланади. Қўмита аъзоларини сайлашда уларнинг олган таълими, касбий тайёргарлиги, Қўмита фаолияти соҳасидаги тажрибаси ва Қўмита аъзолари ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган бошқа махсус билимлари эътиборга олинаши лозим. Стратегия ва инвестиция бўйича Қўмита аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарор жамият Кузатув Кенгаши аъзоларининг умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.3. Стратегия ва инвестициялар бўйича қўмита аъзолари чекланмаган маротаба сайланиши мумкин.

5.4. Қўмита аъзоларининг ваколат муддатлари Кузатув кенгаши аъзолари сифатида ўз ваколатлари муддатларига тўғри келади. Қўмита аъзоларининг ваколатлари Кузатув кенгаши янги таркибда сайланган кундан бошлаб тўхтатилади. Қўмитанинг ҳар қандай аъзосининг (барча аъзоларининг) ваколатлари Кузатув кенгаши қарори билан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Қўмита таркибидаги ўзгаришлар Кузатув кенгаши томонидан исталган вақтда амалга оширилиши мумкин.

5.5. 5.5 Қўмита аъзолари Кузатув Кенгаши раиси номига ариза ва бир вақтнинг ўзида Қўмита раисига билдиришнома юбориш орқали истеъфога чиқишлари мумкин.

5.6. Қўмита аъзоси ўз хоҳишига кўра истеъфога чиққан бўлса, Жамият Кузатув кенгаши кейинги йиғилишида, лекин Қўмита аъзосининг истеъфога чиқиши тўғрисида ариза берган санадан 1 (бир) ойдан кечиктирмай, Қўмитанинг янги аъзосини сайлайди, бунга қадар амалдаги Қўмита аъзоси ўз вазифаларини тўлиқ бажаришда давом этади.

5.7. Қўмита аъзосининг ваколатлари Кузатув кенгаши томонидан

бекор қилинса, ваколатлар бекор қилинганидан сўнг 2 (икки) хафта ичида Қўмитанинг янги аъзоси сайланади.

5.8. Қўмитанинг янги аъзоси сайланганидан сўнг, Қўмита раиси 1 (хафта) ичида Қўмитанинг янги аъзоси билан учрашади ва уни Қўмита ваколатлари ва ишлари билан таништиради.

5.9. Қўмита аъзоларига Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган, ҳамда Жамият акциядорлари умумий йиғилишида маъқулланган миқдор ва тартибларда ҳақ тўланади ва / ёки ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланади.

5.10. Қўмита раиси Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тайинланади ва Қўмита ишини ташкил этади.

5.11. Қўмита раиси:

- Қўмита фаолиятини ташкиллаштиради;
- Қўмита йиғилишларини чақиради ва уларга раислик қилади;
- Қўмита аъзолари ўртасида бурчларни тақсимлайди;
- Кузатув кенгаши мажлислари режасини ҳисобга олган ҳолда жорий давр учун иш режасини ишлаб чиқади;
- Қўмита мажлисларини чақиради, уларга раислик қилади ва йиғилиш баённомасини юритишни ташкил этади;
- Қўмита фаолияти тўғрисида Кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради;
- Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва ушбу Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

5.12. Қўмита раиси Қўмита тавсияларини ўз вақтида Кузатув кенгаши аъзолари эътиборига етказиш, шунингдек, берилган тавсиялар бажарилиши устидан мониторингини олиб боришга жавобгардир.

5.13. Қўмита раиси вақтинча йўқ бўлганда унинг вазифалари Қўмита аъзоларидан бири томонидан амалга оширилади.

5.14. Жамиятнинг Стратегия ва иқтисодий сиёсат департаменти бошлиғи Қўмита котиби ҳисобланади.

5.15. Қўмита котиби:

- Қўмитанинг йиғилиши баённомаларини юритади ва тузади;
- Қўмита йиғилишларига тайёргарликни (йиғилиш учун материалларни йиғади ва тизимлаштиради, Қўмита аъзолари ва таклиф этилган шахсларга Қўмита йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарномани ўз вақтида юборади, йиғидиш кун тартибини, кун тартибига кирувчи масалалар бўйича маълумотларни тайёрлайди, Қўмита қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, шунингдек барча тегишли материаллар сақланишини таъминлайди) амалга оширади;
- Қўмита фаолиятини ташкилий ва ахборот билан қўллаб-қувватлашни, Қўмита аъзоларининг Кузатув кенгаши ва Жамият мансабдор шахслари билан ўзаро ҳамкорлиги ва тезкор ишлашини таъминлайди.

VI. Қўмита мажлисларини ўтказиш шартлари ва тартиби

6.1. Қўмита мажлислари Қўмита томонидан тасдиқланган режага

мувофиқ, лекин Қўмита аъзоларининг ваколат муддати давомида камида 4 (тўрт) та йиғилиш ўтказилади. Қўшимча йиғилишлар керак бўлганда чақирилиши мумкин.

6.2. Қўмита мажлислари Қўмита аъзоларининг биргаликда иштирок этиши ёки сиртдан овоз бериш шаклида ўтказилади.

6.3. Қўмита йиғилишлари Қўмита раиси томонидан унинг ташаббуси билан, Қўмита аъзосининг талабига биноан ёки Жамият Кузатув кенгаши қарори билан чақирилади. Қўмита раиси билан келишилган ҳолда Қўмита котиби Жамият Бош директори илтимосига биноан Қўмита йиғилишини чақириши мумкин. Қўмитанинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш талаби бўлган тақдирда, Қўмита раиси 5 (беш) иш куни мобайнида Қўмитанинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириши шарт.

Қўмита йиғилиши йиғилишда иштирок этувчи барча аъзолар томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

6.4. Қўмита йиғилишларига тайёргарлик Қўмита раиси назорати остида Қўмита котиби томонидан амалга оширилади. Қўмита котиби Қўмита аъзолари зарур маълумотларни олишларини таъминлайди ва Қўмитанинг барча аъзоларига йиғилиш вақти ва жойини, шунингдек кун тартибидаги ҳар бир масала учун барча зарур материалларни илова қилган ҳолда йиғилиш кунидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки хабарномани юборади. Хабарнома Қўмита аъзолари учун қулай бўлган ҳар қандай шаклда амалга оширилади: телефон, факс, одатий ёки электрон почта орқали.

6.5. Қўмита йиғилишининг кворуми унинг миқдорий таркибининг 2/3 қисмини ташкил этади.

6.6. Масалаларни ҳал қилишда Қўмитанинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Қўмита аъзоси томонидан бошқа шахсларга, шу жумладан Қўмитанинг бошқа аъзоларига овоз бериш ҳуқуқини берилишига йўл қўйилмайди.

Қўмитанинг қарорлари йиғилишда иштирок этувчи аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

6.7. Қўмита аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, йиғилишда раислик қилувчи Қўмита аъзосининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

6.8. Қўмита аъзоси йиғилишда иштирок эта олмаса, у муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрини ёзма шаклда ёки жамиятда умумэтироф этилган электрон ҳужжат айланиш тизими орқали юбориш ҳуқуқига эга. Мазкур фикр Қўмита йиғилишида кўриб чиқилади ва йиғилиш баённомасига кўшиб қўйилади.

6.9. Қўмита томонидан кўриб чиқиладиган масалаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қўмита аъзоси бўлмаган шахслар Қўмита мажлисларида фақат Қўмита қарори билан ёки унинг раиси таклифига биноан иштирок этади.

Қўмита йиғилишларида Кузатув кенгаши ва Жамият Бош директор ва бошқа мансабдор шахслари (ходимлари) иштирок этиши мумкин. Зарурат бўлса, Қўмитанинг ишига учинчи томон мутахассислари ва маслаҳатчилари вақтинчалик ёки доимий равишда жалб қилиниши мумкин.

Таклиф этилган шахслар Қўмита ваколати масалалари бўйича қарорлар

қабул қилишда Қўмита йиғилишининг кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

VII. Жамият органлари ва бошқа шахслар билан ўзаро ҳамкорлик

7.1. Қўмита аъзолари ишини самарали ташкил қилиш учун зарур маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак, бунинг учун, Жамият ижроия органлари аъзолари, Жамият Кузатув кенгаши котиби, Жамият таркибий бўлинмалари раҳбарлари, шунингдек Жамиятнинг бошқа ходимлари, Қўмита илтимосига кўра, тегишли вақт ичида ва тартибда Қўмита фаолияти бўйича тўлиқ ва ишончли маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги сўровнома Қўмита раиси томонидан имзоланган ёзма шаклда амалга оширилади.

Сўралган маълумотлар ва ҳужжатлар Қўмита котиби орқали Қўмитага тақдим этилади.

7.2. Зарур ҳолларда Қўмита фаолияти субъектининг айрим масалаларини кўриб чиқиш учун Қўмита ишига зарур касбий билимга эга бўлган мутахассислар ва экспертлар жалб этилиши мумкин. Қўмита ишига эксперт ва мутахассисларни жалб этиш тартиби ва шартлари Жамиятнинг бундай шахслар билан тузган шартномасида белгилаб қўйилади.

VIII. Қўмита бюджети.

8.1. Қўмита фаолиятини таъминлаш мақсадида тегишли давр учун Жамият умумий бюджетининг ҳаражатлар қисмини шакллантиришда маслаҳатчиларни жалб этиш ва уларнинг хизматларига ҳақ тўлаш бўйича потенциал заруратни ҳисобга олган ҳолда Қўмита ҳаражатларининг алоҳида моддаси тақдим этилиши мумкин, унинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

8.2. Бундай зарурат туғилган тақдирда, Қўмитанинг кейинги йил учун бюджети миқдори бўйича таклифлар Жамиятнинг умумий бюджетини шакллантириш чора-тадбирлари доирасида жорий йилнинг 4-чорагида Кузатув кенгашига кўриб чиқиши учун киритилади.

8.3. Маслаҳатчиларни ишга жалб этиш ва уларнинг хизматларига ҳақ тўлаш Қўмита бюджетидан назарда тутилмаган қўшимча маблағлар ҳисобидан Жамият бошқарув раиси томонидан Кузатув кенгашининг алоҳида қарори билан ташкил этилади. Мазкур масалани Кузатув кенгаши кўриб чиқишига киритиш Қўмита раиси ташаббуси билан амалга оширилади.

8.4. Кузатув кенгашининг қарори билан тегишли йил охирида Қўмита раиси Кузатув кенгашига кўрсатилаётган хизматларнинг батафсил тавсифи ҳамда ҳулосалар ва тавсиялар иловаси билан маслаҳатчиларни жалб қилиш учун маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги маслаҳатчилар томонидан тайёрланган ҳисоботни тақдим этади.

8.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши

аъзоларига, Раисга, Қўмита аъзоларига ва Қўмита котибига ҳақ ўз функцияларини бажарганликлари учун ҳақ тўланиши мумкин.

IX. Маълумотларнинг махфийлиги

9.1. Қўмита аъзолари ва котиби Қўмита фаолияти давомида уларга маълум бўлган инсайдер ва бошқа махфий маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас ва уларни ошкор этилиши бўйича шахсан жавобгар бўлади. Жамият инсайдери ёки жамият олдида махфийлик мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаган Қўмита йиғилишларида иштирок этадиган учинчи шахслар олдиндан Жамият билан инсайдерлик ва бошқа махфий маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисидаги битимни имзолашлари шарт.

X. Яқуний қоидалар

10.1. Ушбу Низом жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

10.2. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланади.

10.3. Агар ушбу Низомдаги қоидаларидан бири ўз кучини йўқотган бўлса, бу Низомдаги бошқа қоидаларни тўхтатишга сабаб бўлмайди.

10.4. Ушбу Низомда тартибга солинмаган барча масалалар Жамият Устави, Жамият Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички қоидалари ва амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади.

10.5. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Жамият устави билан ушбу Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият устави қоидалари қўлланилади.